



Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Марҳамат тумани

МАРҲАМАТ ТУМАНИ ҲАҚИДА

Вилоятнинг жанубий қисмида жойлашган. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. 1963 йилда Марҳамат тумани ёндош туман билан бирлаштирилиб, туман маркази Марҳамат туманидаги Русское село поселасига кўчирилган. 1965 йил 15 февралда туман номи ўзгартирилиб, маркази хозирги Асака шаҳрига кўчирилган. 1970 йил 7 декабрда Марҳамат тумани билан қайта ташкил этилган. Марҳамат тумани шимолда вилоятнинг Асака, Хўжаобод, Булоқбоши туманлари, шарқ ва жанубда Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятнинг Аравон тумани, ғарбда Фарғона вилоятининг Қува тумани билан чегарадош. Майдони 0,32 минг кв.км. Ахолиси, 133,4 минг киши. Марҳамат туманида 1 та шахар (Марҳамат), 1 та шахарча (Полвонтош), 5 та қишлоқ фуқаролар йигини (Марҳамат, Қорабагиш, Шукурмерган, Қоракўғон, Кўтарма) бор. Маркази Марҳамат шаҳр
Габиати: Туманинг шимол ва шимолий-шарқи текислик, қолган қисми тоғ этаклари ва ён бағирларидан иборат. Олай тизмасининг этакларидаги тоғлар, Улуфтот (баландлиги 1,5 минг метр), Туямўйин адирлари (920 м) биргаликда Ойим-Марҳамат-Хўжаобод ботигини ташкил этади. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача харорати 26,1, январники минус 2,9 даражада. Йилига ўртача 218-320 мм ёғин тушади. Вегетация даври 220 кун. Кўпроқ шарқий шамоллар эсади. Вақтинча шамоллар жанубий-ғарбдан эсади. Туман худудидан Ўорадарёнинг қуи ирмоқлари: Шахрихонсой, Жанубий Фарғона ва Каркидон каналлари оқиб ўтади. Туман ерлари Жанубий Фарғона канали ва Аравонсойдан сугорилади. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ, адирлар арзик, этаклари ўтлоқи бўз, ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, шўра ва бошоқлилар, эфемер ва эфемероидлар, сой бўйларида ва ер ости сувлари юзароқ жойларида тол, терак, турли хил буталар ўсади. Ёввойи хайвонлардан тулки, бўри, чиябўри, қуён яшайди.

Ахолиси: асосан ўзбеклар, шунингдек, тожик, кирғиз, рус, татар, корейс, уйғур, қозоқ, украин ва бошқа миллат вакиллари хам яшайди. 1 кв. км.га 437 киши тўғри келади.

МАРҲАМАТ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими: Султонов Хурсандбек Абдуллаевич

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс бўлиб, айни бир вақтда худудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тоъгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.

Манзил: 170800, Марҳамат тумани, Бобуршоҳ кўчаси, 40 уй
Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

 EXAT: marhamat.t@exat.uz @E-mail: marhamat@andijan.uz

Мурожаатлар учун: 0 (374) 391-10-51 //  ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0 (374) 391-19-03

website: www.marhamat.andijan.uz

[МАРҲАМАТ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ](#) [НИЗОМИ](#)